SAMSUNG ЯНГИ КОМПАНИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ЖУДА КАТТА МАБЛАҒ АЖРАТДИ 7




31 (1505)-son 6-avgust 2021

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## ХЎЖАЙЛИ ШАҲРИДАГИ МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН

# IT-ТРЕНИНГЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ




Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун IT-Парк ҳамда "Мерос" хайрия жамғармаси томонидан IT-тренинглар ташкиллаштирилди.

Болаларга икки ҳафталик IT-тренинглар давомида, веб-дастурлаш, робототехника, мантиқ ва ўйин кўринишидаги математика, физика, 3D моделлаштириш каби талабгир соҳалар бўйича таълим берилади.

Ҳамкорлик

## ТАТУ ДОЦЕНТИ "REDHAT" ХАЛҚАРО КОМПАНИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

**Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети доценти Тоштемир Хўжақулов халқаро "RedHat" компанияси томонидан "Open hybrid cloud connection" мавзусида ўтказилган халқаро вебинарда иштирок этди.**

У халқаро IT-компания томонидан ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича келишиб олган.

Онлайн-вебинар "RedHat" компаниясининг платформасида ташкил этилиб, унда компанияга аъзо давлатлар ҳам иштирок этди. Қизиқарли савол-жавоблар ва янги дастурий маҳсулотлар ҳамда ҳамкорликлар ҳақида мулоқотлар ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, "RedHat" компанияси халқаро жаҳон бозорида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиб, юзга яқин давлатлар билан ҳамкорликда фаолият юритади.

ОНЛАЙН-ВЕБИНАР

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА

## ИННОВАЦИЯ, РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ ВА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ




Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти, Қозоғистон Республикаси рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноати вазирлиги ҳамда Қозоғистоннинг "Зерде" миллий инфокоммуникация ҳолдинг компанияси ташаббуси билан "Марказий Осиё давлатларида инновация, рақамли ҳукумат ва электрон давлат хизматлари"га бағишланган онлайн-вебинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос иштирок этиб, Ўзбекистонда электрон ҳукуматни ривожлантириш борасида кўрилаётган чоралар ҳақида нутқ сўзлади.

Мазкур тадбирда Марказий Осиё мамлакатларининг АКТ вазирликлари раҳбарлари, электрон давлат хизматларини кўрсатишга масъул соҳа ходимлари, шунингдек, халқаро экспертлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Вебинар доирасида БМТнинг 2022 йилги янги тенденциялари муҳокама қилиниши баробарида Марказий Осиё минтақаси мамлакатларида КОВИД-19 пандемияси шароитида юқори сифатли электрон хизматлар кўрсатишнинг аҳамияти, глобал ва минтақавий ҳамкорлик зарурати борасида фикрлар алмашилди.

## ЭНГ ЙИРИК ТЕХНОЛОГИЯ КОМПАНИЯЛАРИ

(2021 йил II чорагида олинган даромад, 2020 йил II чорагига нисбатан ўсиш, фоиз)

1. Apple – $21,7 млрд. (+93 фоиз)
2. Alphabet – $18,5 млрд. (+166 фоиз)
3. Microsoft – $16,5 млрд. (+47 фоиз)
4. Facebook – $10,4 млрд. (+101 фоиз)
5. Amazon – $7,8 млрд. (+49 фоиз)



Манба: Statista

Ҳаракатлар стратегияси

**Jumadan Jumagacha**

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июл куни Олмалиқ шаҳридаги “Jurabek laboratories” қўшма корхонаси фаолиятини кўздан кечирди. Корхона 48 миллион флакон инфузион эритмалар, 480 миллион дона ампула, 60 миллион дона қуруқ антибиотиклар, 20 миллион дона лиофилизация қилинган дори шаклларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари мазкур қўшма корхонанинг техник имкониятлари билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳаси тақдимоти билан танишди. Тақдимотда, аввало, иссиқлик таъминоти хизматларини хусусий шериклик асосида ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Лойиҳани амалга ошириш учун Иссиқлик тизимини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 август куни жорий йилнинг биринчи ярмидаги иқтисодий натижалар таҳлили ҳамда йил якунига қадар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 5-6 август кунлари Туркманистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этади. Давлат раҳбарлари 2019 йил ноябр ойида Тошкент шаҳрида ўтган Маслаҳат учрашувида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши натижаларини кўриб чиқадилар.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид билан музокаралар ўтказди. Аҳмад Шаҳид жорий йил сентябр ойида Ўзбекистонга сафар қилиб, Нью-Йорк шаҳри университети ҳузуридаги Ралф Банч номидаги халқаро тадқиқотлар институти ва Эссекс университети ҳуқуқшунослик мактаби ёрдамида техник кўмак дастурини ишга туширишга тайёрлигини маълум қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлар эълон қилинди.

# UZINFOCOM

# ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 19 ЙИЛ ТЎЛДИ

30 июл — UZINFOCOM ташкил топган кун.

**2002 йилнинг 30 июл куни давлат идораларида ахборот технологияларини қўллаб-қувватлаш маркази сифатида ташкил этилган UZINFOCOM 2017 йил 29 августдан давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор саналади.**




UZINFOCOM бугунга келиб маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, тармоқ технологиялари, ахборот хавфсизлиги, дастурий таъминот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, мобил иловалар ва рақамли идентификациялаш бўйича эксперт ташкилотига айланди.

Электрон ҳукумат маълумотларини қайта ишлаш марказининг оператори сифатида Ягона интегратор My.gov.uz Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг туну кун ишлашини таъминлайди. Бундай ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун энг юқори даражадаги ускуналардан фойдаланилади, улар сертификатланган муҳандисларнинг ишончли бошқарувида.

Маълумотларни қайта ишлаш миллий марказлари (DPM) нафақат серверлар ва маълумотларни сақлаш тизимларидан иборат. Шунингдек, тизимлаштирилган кабел тизимлари, ҳавони юқори аниқликда тозалаш, энергия, узлуксиз қувват манбалари, дизел генераторлари тўпламлари ва захира қувват манбалари, маълумотларни узатиш ва сақлашни ҳам ўз ичига олади.

Компания портфолиоси жуда йирик бўлиб, миллий даражадаги катта ва кичик лойиҳалардан иборат. Барча лойиҳалар бирдек муҳим, ҳар бири ўзига хос қиймат ва эксклюзивликка эга. Вазирликлар ва идоралар учун идоралараро маълумотлар алмашиш платформаси ва ахборот тизимлари ўн йилдан ортиқ вақт давомида фаолият ва тажриба, танишув майдони вазифасини бажариб келмоқда, сунъий интеллектга асосланган биометрик маълумотлар ёрдамида идентификациялаш каби истиқболли соҳалар бўлими 2021 йилда пайдо бўлди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида бошқа давлатлардаги 60дан ортиқ турдош тизимлар ўрганилиб, MyID биометрик идентификациялаш тизими яратилди ва Президент мактабларига қабул имтиҳонларида оммавий синовдан ўтказилди. Шу билан бир қаторда, ушбу тизим бир неча банкларда сайёр синовлардан ўтмоқда ва 40 минг нафар мижоз ва ходимларни масофадан аутентификациялаш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Коронавирус пандемияси компаниянинг билими, жипслиги, фавқулодда ҳолатларда ишлашга қай даражада шайлиги ва энг муҳими, белгиланган вазифаларни қисқа вақт ичида ва сифатли уддалай олишини жиддий синовдан ўтказди. Муҳандислар инфратузилмани янги объектларда жойлаштираётган бир паллада, дастурчилар дастурий таъминот яратиш билан банд бўлишди, жумладан, мобил иловалар яратишди, уларни синаш, бозорларга жойлаштириш ва янги фойдаланувчиларни ўргатиш билан машғул бўлишди. Жуда қисқа муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот сайтлари ишлаб чиқилди, беморларнинг жойлашувини аниқловчи Kasal.uz платформаси яратилди, рақамли поликлиника ҳамда масофадан хизмат кўрсатувчи бошқа сервислар, хусусан, барча рақамли хизматларни жамлаган Uydaqoling.uz ишга туширилди. Шу билан бирга, техник ривожланиш давом эттирилди — аппарат мажмуалари янгиланди ва янада кучайтирилди, мутахассислар билимларини ошириб, сертификат бўйича имтиҳонлардан ўтдилар.

UZINFOCOM маълумотларни ишлаш маркази сервер платформасини ва булутли севисларини янгилади, виртуал муҳит янада кенгайди, тезлашди, ишончлилиги ошди.

Адлия вазирлиги учун жуда салмоқли ишлар бажарилди — қонун ижодкорлиги учун бир нечта платформа яратилди, булар қаторида Regulation.gov.uz, Project.gov.uz, Eqaror.gov.uz платформаларини санаб ўтиш мумкин. Бу платформаларда жараён тўлиқ рақамлаштирилган. Фуқаролар ўз таклифларини Meningfikrim.uz жамоатчилик мурожаатлари ҳамда Pm.uz Президентга мурожаатлар порталларида билдириша олишади.

Очиқ маълумотлардан фойдаланиш имконияти ҳам жуда муҳим. Бунинг учун Data.gov.uz мунтазам ишлаб турибди. Ундаги маълумотлар тинмай янгилаб борилади ва БМТнинг тараққиёт халқаро рейтингидаги республикамизнинг ўрнига бевосита таъсирга эга.

IT-Parkнинг энг йирик резидентларидан бири сифатида компания ўзини замонавийлаштириш ва жамоасини ривожлантириш учун тақдим этилган имтиёзлардан фойдаланмоқда. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, комплекс қурилмаларни диагностикалаш лабораториялари каби янги йўналишлар пайдо бўлди. Электрон таълим, туризм лойиҳалари фаол босқичда, Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия билан шартномалар асосида ишлар кетмоқда.

Интернетнинг миллий сегменти — .UZ доменини ривожлантиришни мувофиқлаштириш орқали UZINFOCOM интернетни бошқариш бўйича ICANN, RIPE NCC, AP TLD сингари халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон вакили саналади. Компания мутахассислари хавфсизлик нуқтаи назаридан Ўзнетни дунёдаги энг тоза доменлардан бирига айлантира олишди. Ўзбекистонда киберсквоттинг тақиқланган, фишинг ва фрод таъқиб этилади, домен номлари мутлақо ҳуқуқий майдонда тақдим этилади. Миллий муҳитдаги фаол доменлар сони 100 000га яқинлашмоқда. Ўзбекистондаги жами еттита илдиз сервери яқинда янгиланди ва домен номларини хавфсиз тақдим этишнинг DNSSEC технологияси қўлланмоқда.

Ўтган 19 йиллик фаолияти давомида компания жамоаси энг сифатли маҳсулот ва хизматлар яратишга интилиб келди.

СОҲА КОРХОНАЛАРИДА

## АКТ ВАЗИРИ ОЛЕГ ПЕКОСНИ ЮКСАК МУКОФОТ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз мукофотланди.**

Фармонга мувофиқ Олег Андреевич Пекос – Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шуҳрат Содиқов ушбу юксак мукофот билан тақдирланган АКТ вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекосни самимий муборакбод этди.

– Бугунги кунда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг устувор вазифалардан биридир. Бу борада Олег Андреевич ва Вазирлик жамоаси томонидан рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришга қўшилган ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга, – деб таъкидлади АКТ вазири Ш.Содиқов.



# ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА

## ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

**Мамлакатимизда давлат ва идоравий хизматларни электрон шаклда олиш йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Айниқса, КОВИД-19 пандемияси ҳар бир тармоқни тезкор рақамлаштиришни тақозо этиб, 2020 йилги карантин шароитида кўплаб муассасаларнинг ёпилгани ёки махсус иш тартибига ўтказилгани туфайли электрон хизматларга бўлган талаб кескин ошди. Ҳали бу тизимни яхши йўлга қўя олмаган мамлакатларда ҳам IT-инфратузилмасини яхшилаш ва кенг йўлга қўйиш чоралари кучайтирилди.**

Ўзбекистон аҳолиси ҳам аввалига электрон жараёнларга тайёр бўлмагани, шу билан бирга инфратузилманинг яхши йўлга қўйилмаганидан норози кайфиятда бўлди. Улар учун интернет орқали "қийин" сўровномаларни тўлдириб, рўйхатдан ўтишдан кўра, ўрганган ташкилотларига бориб, навбатларда туриш ёки таниш-билиш орқали ишини битириш ишончлидек туюлди.

Охирги йиллардаги ҳукумат томонидан фуқаролар ва тадбиркорлар учун давлат хизматларни кўрсатиш тизимининг босқичма-босқич ислоҳ қилиниши, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда электрон хизматлар сифатини тубдан яхшилаш борасидаги тизимли чора-тадбирлар натижаси сезилган сари вазият ижобий томонга ўзгара бошлади. Одамлар электрон тўлов, электрон хизмат орқали вақти ва харажати тежалишини, таниш-билиш, коррупциясиз ҳам ишлари осон битишини тушуниб етди.

**Ковид-19дан яна бир ҳимоя воситаси**

Аммо шу кунларда авж олган нохуш пандемия сабаб бугун яна аҳолидан ўз хавфсизлиги учун зарурат бўлмаганда уйда қолиш, имкон қадар одамлар гавжум жойларга бормаслик, ёпиқ ташкилотларда тўпланмаслик, турли хизматлардан электрон кўринишда, масофадан фойдаланиш қайта-қайта сўралмоқда. Айни пайтда электрон хизматларни



ҳам коронавирусдан ҳимоя воситаси қаторига қўшиш мумкин. Лекин шунга қарамай, аксарият давлат идоралари олдида ҳамон турнақатор навбатлар аримаяпти. Энг ёмони, кўпчилик карантин қоидаларига риоя қилмаяпти.

"XXI аср – вируслар даврида яшаяпмиз. Коронавирус ҳам яна қайта авж олди. Шифохоналар, махсус ташкил этилган ковид марказлари яна беморларга тўлди. Реанимацияларда оғир аҳволдаги касаллар жон талашиб, яшаш учун курашяпти. Ҳар куни бир нечта юртдошимизни йўқотяпмиз... – дейди Вирусология илмий-текшириш институти бош шифокори Муҳайё Асилова. – Шундай оғир кунларни бошдан ўтказаётганимизга қарамай на ўзининг, на бировнинг ҳаётини ўйлайдиган беҳафсала одамлар борлигидан жуда хафа бўлиб кетаман. Аксиради, йўталади, лекин аҳволи яхшироқ бўлгани учун ишини битиришга кўчага чиқади. Тўй, гап, йиғинми бораверади. Ташкилотларда навбат кутади. Қанча одам билан муомалада бўлиб, бошқаларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди улар. Шу тариқа касаллар сони кўпайиб кетаверади. Агар ўша ўзида ковиднинг илк аломатларини сезган одам дарҳол алоҳидаланса, касаллик занжирини узишга ҳисса қўшган бўлади.

Майли, ўша бир-иккита йиғин сизсиз ўтсин, зарур ишларингиз озгина орқага сурилсин, иложи йўқ деган давлат ташкилотлари, коммунал хизматлар билан боғлиқ муҳим эҳтиёжларингизни онлайн битиринг. Ахир, ҳозир бунинг имкони бор-ку. Аҳвол оғирлашиб қолса, шуларнинг ҳаммаси қолади-ку барибир. Нега оқибатини ўйламаймиз? Нега масъулиятни ҳис қилмаймиз? Нега вақтида соғлигимиз ҳақида қайғурмаймиз?"

Тўғри, одамлар уйда қолгани ёки фақат ишхонасига бориб-келгани билан уларнинг эҳтиёжи битиб қолмайди. Шундай экан, ҳеч бўлмаганда мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланишимиз керак. Масалан, бугун электрон ҳукумат туфайли фуқаролар ва тадбиркорлар Ягона портал орқали 260дан зиёд давлат хизматларидан онлайн фойдаланса бўлади. Яъни порталга соғлиқни сақлаш, кўчмас мулк, ижтимоий таъминот, транспорт, молия, солиқлар, электрон тўловлар, таълим, фуқаролик, тадбиркорлик, божхона, маданият соҳаларига тегишли энг талабгир хизматлар қамраб олинган.

Шу ўринда карантин даврида электрон шаклдаги давлат хизматларига талаб ошишини инобатга олиб, давлат идоралари ҳам ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиб, Ягона портал орқали кўрсатилувчи электрон ҳукумат хизматларининг сифатли йўлга қўйилишига жавобгарлигини ошириши даркор. Чунки Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятини берувчи ягона нуқтадир. Унинг тўкис ишлаши эса ҳар бир давлат ташкилотининг ўз ишини тўғри йўлга қўйиши билан боғлиқ.

**Уйда қолиб**

Уйдан чиқмасдан фойдаланиш мумкин бўлган электрон давлат хизматлари ҳозирда коронавирус инфекциясига қарши курашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Шундай экан, юртимиз аҳолиси давлат идораларига ташриф буюриб, ўз соғлигини хавф остига қўймасликлари зарур. Чунки карантин чоралари давлат идоралари билан ўзаро муносабатларга таъсир қилмайди – фуқаролар уйдан туриб ҳам коммунал тўловлар ва автомобил жарималарини тўлашлари, уйига шифокор чақиришлари ёки зарур маълумотномаларни шакллантириши, ижтимоий таъминот билан боғлиқ масалаларни ҳал этишлари, мурожаатлари натижаларини кузатиб боришлари мумкин. Пандемия муносабати билан Ягона порталда КОВИД-19га эмлашга ёзилиш ва ҳолатини текшириш хизмати ҳам йўлга қўйилди.

Ҳа, коронавирус бутун дунёга масофадан туриб фойдаланиш мумкин бўлган электрон хизматларга эҳтиёж юқорилигини кўрсатди. Бундан биз келажакда кўплаб жараёнлар масофадан туриб ва сифатини йўқотмаган ҳолда бошқарилишини тушуниб етдик. Демак, бундан-да илғор босқичларга ҳозирдан илдам қадам ташламасак, кейин кечикиб қолишимиз мумкин.

**Шоҳида ИСРОИЛОВА**

**Xabar.uz ахборот таҳлилий порталининг “110 метр баландликда” лойиҳасининг навбатдаги меҳмони – “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (IT-Парк) директори Фарҳод Заирович Ибрагимов бўлди.**



# IT-ПАРК: БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИДАН МАСОФАВИЙ УНИВЕРСИТЕТГАЧА...

**– Айтингчи, IT-Паркни ташкил этиш ғояси ўзи қандай туғилганди?**

– IT-Паркни ташкил қилиш ғояси давлатимиз раҳбарининг 2018 йил Ҳиндистонга ташриф буюрганида, у ерда ахборот технологияси соҳаси қай даражада ривожланганини, экспортга қандай катта салоҳият борлигини кўрганида, Ўзбекистонда ҳам бу каби лойиҳаларни жорий қилиш масаласи кўзда тутилган. Соҳамиз учун таълим йўналишида Амити университети ҳамда IT-Парк лойиҳалари билан бирга бошланган. Айнан шу вақтдан, яъни 2018 йилдан бу лойиҳа бошланган.

2018 йилнинг ноябр ойида Мирзо Улуғбек инновацион марказидан ишдан кетганман. Ноябр ойининг охирида АКТ вазири Шуҳрат Муҳаммаджонович Содиқов чақирган. Мен у инсонни Вазирлар Маҳкамасида, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида ишлаган вақтларидан биламан. Лекин улар билан шахсан таниш эмас эдим. Улар “айти” йўналишида бир лойиҳани бошлаш бўйича таклиф бердилар. Ўйлаб ҳам ўтирмасдан бу таклифни қабул қилдим. Ўша вақтда шу инсоннинг қўллаб-қувватлаши менга мотивация берган.

**– Аввалроқ катта умидлар билан ташкил қилинган Мирзо Улуғбек технологик парки нима сабабдан йўқ бўлиб кетди? Унинг атрофида қандай воқеалар содир бўлганди ўзи?**

– Бу лойиҳанинг бошқаруви соҳадан ташқарига чиқиб кетган. Чунки, қабул қилинган қарорлар ахборот технологияси соҳасини ривожлантириш учун эмас, балки бизнес соҳасини ривожлантириш учун қабул қилинган. Ҳамнафас иш олиб борилмаган. Ахборот технологияси деганда фақатгина унинг ўзигина эмас, балки шу соҳадаги бошқа корхоналар ҳам назарда тутилмоқда. Шу тизимдаги корхоналар билангина ахборот технологияларини ривожлантириш мумкин. Телекоммуникациясиз ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш мумкин эмас.

У ажралиб қолган лойиҳадек бўлган. Мирзо Улуғбек технологик парки лойиҳаси фақатгина имтиёзлар бериш билан чекланиб қолган. IT-Парк эса лойиҳаларни қилишга шароит яратиб беради.

**– Бу воқеалар кейинги йирик лойиҳа – IT-Парк учун ўзига хос сабоқ бўлдими? Нималарни қилиш ва нималарни қилмаслик керак, деган хулосага келгансиз?**

– Авваламбор, соҳага барқарорлик керак. Айнан шу барқарорликка биз эгамиз. Муҳим бўлган сабоқлардан бири бу – фақатгина “айти” соҳаси билан машғул бўлган резидент корхоналар билан чекланиб қолиш эмас, балки бутун эко тизимни қамраб олиш кераклиги. Бутун эко тизим деганда нафақат дастурчи корхоналарга имтиёз бериш масаласини, балки қонунчилик билан ишлаш, авваламбор, уларнинг ишлаётган жараёнини тўғри қонуний белгилаб бериш. Бу биринчи муҳим иш.

Мазкур жараёнлар 2017 йилдан олдинги вақтда ҳар доим ҳам қонунчиликка тўғри келмаган. Ҳар йили биз қонунчиликка ўзгартириш киритамиз. Чунки, ахборот технологиялари соҳаси энг динамик соҳалардан бири. 2-3 йил қонунчиликка қарамай, ҳужжатларни ўзгартирмасак, биз яна бир қадам орқада қолиб кетамиз.

Иккинчи муҳим иш дастурчилар учун керакли шароитларни яратиб бериш. Қисқа қилиб айтганда, инфраструктура масаласини таъминлаб бериш. Тезкор интернет, электр таъминоти ва иш олиб борилаётган корхонаси керакли ҳолатда бўлиши дастурчи учун илҳом беради.

Учинчиси, бу – таълим йўналиши. Биласиз, ҳозирги кунда Ўзбекистонда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бор. Бу Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан биргалида АКТ вазирлиги амалга ошираётган лойиҳа. Мазкур лойиҳада ёшларни дастурлашга қизиқишини кучайтириш асосий мақсад қилиб белгиланган. Ҳозирда 14та IT-соҳасига ихтисослашган мактаб бор. Насиб бўлса, йилнинг охирига қадар бу мактаблар сони 100га етади.

Тўртинчи муҳим йўналиш – бу йигит-қизларимизга лойиҳалар яратишга шароит яратиб бериш.

Бешинчи, муҳим вазифа – ахборот технологиялари қанчалик муҳимлигини тарғиб қилиш.

**– Одамлар орасида IT-Парк ташкил қилинганидан кейин ҳали кўзга кўринадиган ҳеч қандай лойиҳа қилмади қабилидаги гап-сўзлар юради. Бу каби танқидларга қандай қарайсиз?**

– Биласизми, бу нормал ҳолат. Бир корхона ёки бир инсон муваффақиятга эришмоқчи бўлса, ўзига яраша танқидлар албатта бўлади. Ушбу босимга чидаб берган инсонгина бу муаммоларни ҳал қилиб, янги чўққиларга эришиши мумкин бўлади. 24 июл куни IT-Парк очилганига 2 йил бўлди. Икки йил мен учун катта вақт. Лекин бир катта лойиҳа учун бу арзимаган вақт. Шундай бўлишига қарамасдан, жамоамиз билан биргаликда қилаётган ишимизга танқидий қараймиз.

Ҳозирги кунда меъёрий ҳужжат, инфраструктура, таълим лойиҳалари ва тарғибот ишлари доирасида эришган натижаларимиз бор. Аммо мен бу натижалардан қониқмайман. Давлатимиз раҳбари Ҳиндистонга ташриф буюрганида, бу давлат IT соҳасида нимага эришганини кўрган, биз ҳам кўрганмиз. Ҳали бундай натижаларга эришмаганимиз учун мен қониқмайман.

Ҳозир кўп корхоналарда янги имкониятлар очилган. Ахборот технологиялари соҳасида IT-Парк резиденти бўлиш имкони яратиб берилган. Инфраструктура масаласига келсак, лойиҳамизни Давлат раҳбарига кўрсатганимиздан кейин ахборот технологиялари соҳасида, айнан дастурлаш йўналишида 2019 йил ноябр ойидан кейин катта ўзгариш бўлди. Ахборот технологиялари соҳасида инсонларни онгини ўзгартириш учун биринчи қадам қўйилди. Агар эътибор берган бўлсангиз, кўпчилик қилинган лойиҳалар Тошкент шаҳрида бўлган, ҳозир ҳам афсуски шундай. Лекин вазият аста-секин ўзгармоқда.

Ўйлайманки, ахборот технология соҳаси муҳимлигини ҳамма тушунди. Шу соҳада кадрлар тайёрлаш республикамизни ривожлантириш учун катта имконият.

IT-Паркни ташкил этишдан асосий мақсад шуки, Парк фақатгина ўзини лойиҳаларини эмас, ёшларга ўз лойиҳаларини амалга оширишда имконият яратиб бериши керак.

Агар лойиҳалар ҳақида яна гапирадиган бўлсак, республикамиздаги биз билган ҳар бир лойиҳада IT-Паркнинг алоқаси бор. Тўлов тизимлари, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналиши бўладими, буларнинг барчаси IT-Паркнинг резидентлари. IT-Парк ўзи лойиҳа яратмайди. IT-Парк фасилитатор (бу муваффақиятли гуруҳ алоқасини таъминлайдиган шахс ёки манба) ҳисобланади. IT-Парк резидентларга, стартапларга, ёшларга имконият яратиб беради.

Республикада бундан олдин 10 минг нафар ёшлар шу соҳага қизиққан бўлса, шуларни сонини 100 мингтадан кам бўлмаган ҳолатга келтириш IT-Паркни мақсади. Ана шу 100 мингта қизиқувчи ёшларни саралагандан кейин майли 10 мингтаси қолсин, лекин сараланган 10 мингта дастурчи бўлсин. Ана шу эко тизимни яратиб бериш IT-Паркнинг асосий мақсадидир.

**– Парк резиденти бўлиш нима беради ва ҳозирда қанча резидентлар бор? Уларнинг энг катта амалга ошираётган лойиҳаси қайси?**

– IT-Паркда ҳозирги кунда 494та резидент бор. Лекин резидентлар сони яна қисман камайиши мумкин. Чунки, афсуски, ҳамма резидендтлар ҳам ўз вақтида мажбуриятларини бажаришмайди. Мажбурият деганда шуни назарда тутяпманки, улар ҳар чоракда қилинаётган ишлари бўйича IT-Парк

платформаси, яъни сайтимиз орқали қисқа тақдимот қилиши керак, бундан ташқари, улар 1 йилда бир марта аудит хулоса топшириши керак. Афсуски, барча резидентлар ҳам вақтида бу вазифаларни бажармайди.

Асосий мақсадимиз корхоналарни текшириш эмас, уларга шароит яратиб бериш. Лекин ана шу шароитдан фойдалана олмаган, ўз вақтида мажбуриятини бажара олмаган корхоналар ҳақидаги маълумотни керакли ташкилотларга, солиқ бошқармаларига тақдим қиламиз. Агар ҳаммаси жойида бўлиб, бизга ўз вақтида компитент бўлмаганлиги сабабгина шу ҳужжатни бермаган бўлса, яна бир бор солиқ органлари билан келишилган ҳолатда текширувдан ўтгандан сўнг яна рўйхатдан ўтиш имконига эга бўлишади. Ўтган 6 ой ичида 30га яқин корхоналар ўз мажбуриятини бажармаган. Шу сабабли резидентлар сони қисқаради.

Бизнинг мақсад корхоналар сонини кўпайтириш эмас, уларнинг ичида ишлаётган ходимларнинг ҳажмига, сифатига эътибор бериш. Ҳозир чет элдан Ўзбекистонга қизиқаётган корхоналар жуда кўп. 2019 йилнинг август ойида Беларус Республикасига бордик. У ерда мавжуд бўлган Юқори технологиялар парки (ЮТП) ташкилоти билан мулоқот қилдик. Бу биз қилаётган ишнинг аналоги. Фақат Мирзо Улуғбек технологик паркидек кўпроқ имтиёзлар билан шуғулланувчи ташкилот. Тан оламан, у ердан жуда кўп нарса ўрганганмиз. Қизиқарли бўлган йўналишларни, меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни ўргандик.

Бу йил вазиримиз бошчилигида ташриф буюрганимизда 2019 йил танишган корхоналар билан яна кўришдик. Беларус ЮТП маъмурияти билан учрашдик. Ушбу ЮТПда 2005 йилдан ҳамда 1993 йилдан буён мавжуд бўлган ТОП-5га кирган ташкилотларнинг энг катта бешталиги Ўзбекистонда ўзининг корхоналарини рўйхатдан ўтказмоқда. Улардан 2таси бор эди, яна учтаси сентябр ойигача мамлакатимизда рўйхатдан ўтмоқчи. Улар бизнинг ўзбек қора кўзларини иш билан таъминлаб, экспортга ишлаш имконига эга бўлишади. Ўзбекистондан туриб, чет эл билан ишлаш имкони пайдо бўлади.

**– "Бир миллион дастурчи" миллий дастурини амалга ошириш жараёнлари, у нималар берди ва бермоқда?**

– "Бир миллион дастурчи"нинг асосий мақсади ёшларни ахборот технология соҳасига қизиқишини ошириш. Илгарилари камдан-кам ҳолатларда мактаблардаги ўқувчилар дастурчи бўлишни танларди. Фақатгина физика, математикани яхши билганлардагина бу имконият бор эди. Ҳозирда ҳар бир бола дастурчи бўлиш имконига эга, айнан биз ташкил қилган миллий дастур орқали. Бу дастурни тугатган йигит-қизларимиз ҳозирдан бир лойиҳани бажара олмайди, лекин улар етарли теоритик билимга эга бўлишади. Бу дастурни тугатган ёшларимиз бир-икки йил амалиёт қилганидан кейин IT-Паркни катта лойиҳаларида ҳам ишлаш имконига эга бўлади. Албатта, ҳар бир соҳа учун амалиёт керак бўлади.

**– Мутахассис сифатида айтингчи, юртимизнинг энг кучли дастурчиси қайси ҳудудда?**

– Мен бу йўналишни иккига бўла оламан. Биринчиси, ҳокимлар, халқ таълими вакиллари ёрдами билан кучли кетаётган вилоятлар бор. Иккинчиси, олдиндан ахборот соҳасида кучли бўлган ҳудудлар бор.

Олдиндан кучли бўлган ҳудудлар менинг фикримча, Бухоро ва Хоразм вилоятлари. Бу вилоятларда ҳам ҳокимларнинг ёрдами бор. Лекин ўйлайманки, бошқа вилоятларга қараганда етарли эмас.

Наманган вилоятида ўқишга интиладиган ёшлар кўп. У вилоятнинг ҳокими 12та IT-марказни бир вақтда очиб берди. IT-соҳасига қизиқувчи ёшлар Наманган вилоятида бошқа ҳудудларга қараганда энг кўп. Боиси, улар учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Навоий вилоятида тил биладиган, ўз устида ишлайдиган ёшлар кўп. Айниқса, бизнинг соҳада тил билиш, инглиз тилини билиш муҳим. "Бир миллион дастурчи" лойиҳасининг ҳам 25 фоизини шу вилоят қамраб олган.

Юқорида айтилган 4та вилоят фикримча ҳозирда илғор ҳудудлардан. Бу билан бошқа вилоятлар ишламаяпти, демоқчи эмасман, лекин таъкидланган вилоятларни ажралиб турадиган жиҳатлари бор.

**– Умуман олганда, мамлакатимизнинг қайси ҳудуди "айти" йўналишида салоҳияти юқори ва бунга қандай омиллар сабабчи?**

– Албатта, Тошкентда имконият юқори. Қилинаётган ҳамкорликлар сони, тадбиркорлар сони ҳам бу ерда кўп. Шу сабабдан келажакда бу соҳада Тошкент янада ўзиб кетиши ҳам мумкин.

**– Сиз стартапчи, фрилансер бўлиш учун олий маълумотли дипломга эга бўлиш шарт эмас, деб ҳисоблайсиз...**

– "Айти" соҳаси учун эмас, лекин дастурчи бўлиш учун олий маълумот шарт эмас. Дастурчиликни ҳам ҳар хил йўналиши бор. Олим дастурчилар бор. Физика, математика қонуни билан ишлайдиган дастурчилар бор. Бундай дастурчи бўлиш олий таълимсиз жуда қийин. Бошқа дастурчилар учун эса, ўз устида ишлаш муҳим. Бу билан олий таълим керак эмас, демоқчи эмасман. Агар имконият бўлса ўқиш керак.

**– Энг кўп даромад топадиган дастурчи, фрилансер, стартапчилар?**

– Мен бир сурхондарёлик фрилансер йигитни биламан. Унинг йиллик даромади 150 000 долларга яқин.

Фрилансерлар асосан лойиҳалар орқали пул олишади. Бу соҳа вакиллари ўзига хон, ўзига бек бўлади. Корхоналардаги ходимлар ҳақида гапирадиган бўлсак, етакчи "айти" корхонадаги ходимни биламан, бир ойда 10 000 доллар ойлик олади.

**– Ёшларнинг бандлигини таъминлашда "айти" соҳасининг қандай аҳамияти бор?**

– Аҳамияти катта. "Айти" соҳасида қисқа муддатда ва энг кам ресурслар билан бу ишни ташкил этиш имконига эгамиз. Ресурс деганда шуни назарда тутяпманки, дастурчи учун битта хона, компютер ва интернет керак.




Мени иккита нарса ташвишга солади. Биринчиси, таълимда ҳали савияли мутахассисларга эга бўлиш имкониятига эга эмасмиз, афсуски. Чунки, марказлар очилганига ҳали кўп бўлмади. Иккинчиси, вилоятда "Айти" марказларни тугатаётган ёшларни лойиҳалар билан таъминлаб бериш. Шу иккита нарса менинг оғриқли нуқтам. Агар шу икки муаммони тўғирлай олсак, биз қилаётган занжир мустаҳкам бўлади.

**– "Айти" соҳаси иқтисодиётнинг локомотиви. Бу фикрга қандай қарайсиз?**

– Албатта. Иқтисодиётнинг юраги бу "айти" соҳаси. IT-Парк шу локомотивнинг мияси. Биз тизимларни бир-бирига улаш имконига эга бўлдик. Давлатимиз раҳбари бизнинг соҳани қўллаб-қувватлаяпти. Бу нарсага ич-ичидан ишонгани учун ҳукуматнинг бошқа вакилларига ҳам бу нарса етиб бормоқда. Энг муҳими, ҳозирда ота-оналарни, ёшларни фикри бу соҳага нисбатан ўзгаряпти.

**– Бир интервюда IT-Парк лойиҳалари доирасида 2022 йилга бориб 16 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади, деган эдингиз.**

– Биринчидан, 2022 йилга бориб етарли иншоотларимиз бўлади. Шунда 16 мингдан ортиқ ёшларни иш билан таъминлай оламиз. Иккинчидан, биз тайёрлаётган, университетлар тайёрлаётган ёшлар сони 20 мингдан ошади. Битирувчиларни назарда тутиб айтяпман. Ҳозирги кунда 7000дан зиёд резидент бор. Бундан ташқари, соҳада бизлардан рўйхатдан ўтмаган 10 мингдан зиёд "айти" мутахассислари мавжуд. Бизда junior (бошловчи) дастурчилар жуда кўп. Мақсадимиз уларни middle (ўрта)га олиб чиқиш.

**– Сизни қийнайдиган муаммо?**

– Жавобгарлик ҳисси қийнайди. Таълим сифатини ошириш ва янги лойиҳаларни яхши резидентларга етказиб бериш мени хавотирга солади. Ёшларимиз доим ҳам мавжуд бўлган шароитдан фойдалана олмайди. Насиб бўлса, 2026 йил якунига бориб 1 миллиард долларлик дастурий маҳсулотларни экспортга чиқариш режамиз бор.

**– IT-Парк веб-сайтида бир катта лойиҳа қилиниши ҳақида айтилган эди. Ўша лойиҳа ҳақида маълум қилиш вақти келмадимикин?**

– Xabar.uzда биринчи марта шу янгилик ҳақида айтиш ниятимиз бор эди. Яқинда давлат раҳбаримиз билан учрашув бўлди. Биз ана шу лойиҳамиз тақдимотини кўрсатдик. Учрашувда янги очилаётган мактаблардаги битирувчиларни соҳада қолдириш учун олий ўқув юртларини муҳимлиги ҳақида сўз борди. Соҳамизда янги Масофавий университетни ташкил қилиш таклифи билан чиқдик. Бу университетнинг алоҳида биноси, ётоқхонаси бўлмайди. Лекин ҳар бир туман IT-марказларида филиаллари бўлади.

Масофавий университет инфраструктура бўйича республикада энг катта университет ҳисобланади. Биз IT-марказларимизда ўқиётган ёшларни foundation (тайёрлов курси) курсларида тайёрлаб, уларни имтиҳонсиз университетимизга қабул қиламиз. Foundation курслари 9 ой давом этади. 11-синфда ўқиётган ёшларни дарсдан кейин IT-марказга бу курсларни ўтиш учун таклиф қиламиз. У ерда инглиз тили, дастурлаш, дизайн ҳамда корпоратив бошқарув йўналишларни танлаш имкони бўлади.

Май ёки июн ойларида имтиҳонлари бўлади. Агар бу имтиҳонлардан ўта олишса, бизнинг олий ўқув юртларига ҳеч қандай имтиҳонсиз кириш имкониятига эга бўладилар. Имтиҳон фақат инглиз тилидан бўлади. Улар ўзимизнинг тизим орқали имтиҳон топшириш имконига эга бўладилар. Энг муҳими, 11-синфда ўқиётган ёшларда имтиҳондан йиқилсам, бу йил бошқа олийгоҳга кира олмайман, деган хавотир бўлмайди. Ташкил қилинаётган университетда қабул қилиш квотаси чекланмаган. Ҳозирда мавжуд бўлган 200та марказимизга мактабларимизда ўқиётган йигит-қизларни бўламиз.

Битта марказда 60 нафар одамни ўқитиш имконига эга бўламиз. Биз ташкил этаётган олий ўқув юрти 3 йиллик бўлади. Ҳар бир курсни тугатаётганда талабалар IBM, Google каби катта корпорацияларнинг курсларини ўтиш имконига эга бўлади.

Ҳар бир курсни тугатаётганда 3 ойлик курс иши берилади. Бу курс иши университетимиздаги домлалар билан эмас, IBM билан олиб борилади. IBM сертификат беради ва бу сертификат тўғрисини айтганда, кўп давлатлардаги олийгоҳларнинг дипломидан кўра қадрлироқ. Шу каби ўқишлар уч йил давомида бўлади. Ҳар йили янги бир корхона сертификатига эга бўлиш имкони пайдо бўлади.

## ОБРАЗОВАНИЕ



# MyID НАЧАЛИ ИСПОЛЬЗОВАТЬ НА ЭКЗАМЕНАХ В ПРЕЗИДЕНТСКИХ ШКОЛАХ

**Идентификация учеников при сдаче экзаменов для поступления в президентские школы теперь осуществляется с использованием биометрической системы идентификации (MyID).**

Система идентификации MyID, разработанная Единым интегратором UZINFOCOM, успешно прошла апробирование на приемных экзаменах в президентские школы республики.

В данном кейсе шла сравнительная аутентификация по лицу кандидата с указанной в заявке фотографией. Это позволило исключить случаи подмены кандидатов и колоссально сэкономить время на проверке документов. Ведь проверка, по сути, осуществлялась уже в то время, когда кандидат направлялся к павильону. Никаких дополнительных проверок документов, и, соответственно, и задержек не было. Были обработаны данные порядка 100 тысяч кандидатов.

Для вычисления массивов данных по геометрии лица применяются технологии искусственного интеллекта, используется специально спроектированная и обученная нейронная сеть.

Это не первый опыт компании в цифровой идентификации. Система MyID пилотируется в нескольких банках Узбекистана и успешно зарекомендовала себя в сфере удаленной идентификации в банковском секторе. На сегодняшний день зарегистрировано более 40 тысяч учетных записей пользователей MyID. За период пилотных испытаний — с мая по июль 2021 года — системой обработано более 90 тысяч запросов на авторизацию.

На экзаменах в президентские школы системе идентификации не ставили специализированные задачи, соответственно не было необходимости в дополнительном оборудовании. С задачей справились стандартные камеры на смартфонах и планшетах, что позволило реализовать проект экономичнее и быстрее.

Самое важное, что проект полностью реализован отечественными специалистами. Решение остается в стране и можно его использовать на более масштабных проектах, например, в проектах в финансовой сфере, сфере государственных услуг и других.

## КИБЕРСПОРТ

# «COOKIE CREW» ГОТОВЯТСЯ К 13-МУ ЧЕМПИОНАТУ МИРА ПО CS:GO!




**С 28 июля по 23 августа 2021 года проходят национальные отборочные туры к 13-му чемпионату мира по таким киберспортивным дисциплинам, как:**

- CS:GO;
- DOTA 2;
- Pro Evolution Soccer;
- Tekken 7.

Национальные отборочные туры организует международная федерация киберспорта «IESF». По итогам отборов, будут выбраны члены «Team Uzbekistan» по четверым вышеперечисленным дисциплинам. Победители отборочных туров станут членами национальной сборной Узбекистана и будут представлять Узбекистан на международной арене.

Первые этапы квалификаций проходят в онлайн формате. Решающие матчи пройдут в офлайн формате в «Full Level Esports Centre».

«Cookie Crew» и другие сильнейшие команды Узбекистана поборются за право стать членами национальной сборной страны по CS:GO и представлять Узбекистан на международном уровне, а в частности, на 13-ом чемпионате мира, который запланирован пройти в городе Эйлат, Израиль.

Региональные игры чемпионата мира будут проходить онлайн, а глобальный финал состоится в конце года в офлайн формате.

ЭЪЛОН!

2019 йили ташкил этилган “PROMO 100 GRUP” МЧЖ ўз фаолиятини ТУГАТИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Даъволар бир ой муддатда қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: +99890-322-00-79.

## ПРИЛОЖЕНИЯ

# ЦЕНТРОБАНК ЗАПУСТИЛ ПРИЛОЖЕНИЕ ПО ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ

**Центральный банк запустил мобильное приложение по финансовой грамотности finlit.uz, передает пресс-служба регулятора.**



Оно доступно для пользователей Android и iOS на русском и узбекском (кириллица и латиница) языках.

В ведомстве отметили, что мобильное приложение является дополнением официального сайта по финансовой грамотности Центрального банка finlit.uz и отображает всю его информацию и интерактивные услуги.

С помощью мобильного приложения finlit.uz пользователи смогут ознакомиться с интересными образовательными материалами на темы кредитования, вкладов, бюджета, финансового рынка, использовать кредитные и депозитные калькуляторы, а также в автоматическом режиме получать push-уведомления об обновлениях на веб-сайте по финансовой грамотности.

## ПРОГРАММИРОВАНИЕ

# УЗБЕКИСТАНЦЫ МОГУТ ПРИНЯТЬ УЧАСТИЕ В ОНЛАЙН-ЧЕМПИОНАТЕ ПО ПРОГРАММИРОВАНИЮ YANDEX CUP 2021

**Началась регистрация на открытый онлайн-чемпионат по программированию Yandex Cup 2021.**




Он будет проходить по шести трекам: фронтенд- и бэкенд-разработка, мобильная разработка, аналитика, машинное обучение и трек по спортивному программированию «Алгоритм».

«Алгоритм» проводится на русском и английском языках и рассчитан на программистов со всего мира, остальные треки — на участников из России и СНГ.

В каждом треке победителям будут вручены 300 тыс. рублей. За второе и третье места организаторы вручат по 250 тыс. и 200 тыс. рублей.

В целях знакомства с проверяющей системой и форматом заданий с 20 по 26 сентября состоится пробный период. Этап квалификации состоится 27 сентября — 3 октября. 16 октября — финал. Участникам на момент проведения должно быть не меньше 18 лет.

Подать заявку на участие можно до 3 октября на сайте проекта.

## НАЛОГИ

# НА MY SOLIQ ПОЯВИЛСЯ ФУНКЦИОНАЛ «МОИ ТОВАРЫ»

**В персональном кабинете налогоплательщика (my.soliq.uz) в разделе реализации, осуществленной посредством онлайн-ККМ и виртуальных касс, создан функционал «Мои товары (услуги)». Об этом сообщила пресс-служба Государственного налогового комитета.**



Ожидается, что функция обеспечит правильное оформление налоговой отчетности на основе информации онлайн-чеков, выданных онлайн-ККМ и виртуальными кассами, в процессе редактирования и восстановления на основе 17-значных идентификационных кодов товаров и услуг.

Чтобы воспользоваться функционалом:

Надо войти в раздел «Информация онлайн-ККМ и виртуальных кассах ЮЛ»;

Перейти в меню раздела «Мои товары (услуги)»;

Выбрать название или код товара (услуги) и добавить в меню (ошибочно добавленные коды товаров (услуг) можно редактировать);

После успешного сохранения наименования либо кода товара (услуги) в меню «Редактировать» и «Восстановить чек» отражаются идентификационные коды продукции.

## ПАНДЕМИЯ

# КИТАЙ ЗАРАБОТАЛ НА МАСКАХ ПОЧТИ $90 МЛРД. ЗА ПЕРВЫЙ ГОД ПАНДЕМИИ

Китай смог почти в четыре раза нарастить экспорт средств индивидуальной защиты (СИЗ), следует из подсчетов аналитиков Института мировой экономики Петерсона (PIIE).

За 2019 год страна экспортировала медицинские СИЗ на $22,9 млрд., за 2020 год — на $88,1 млрд. Экспорт медицинских масок и респираторов за 2020 год оценивается в $53,8 млрд. (на $48,8 больше, чем в 2019 году), щитков для лица — в $16,8 млрд. ($3,5 млрд. в 2019 году), защитной одежды — в $10,8 млрд. ($9,9 млрд.), перчаток — в $3,9 млрд. ($2,9 млрд.).

Экспортная цена за одну маску или респиратор по состоянию на апрель 2020 года выросла на 720,8% по сравнению с декабрем 2019 года. Цена за комплект защитной одежды выросла на 536,2%, следует из подсчетов PIIE.

В апреле 2020 экспорт СИЗ вышел на уровень, на котором находился до начала пандемии, а летом того же года стал бить рекорды. Китайские власти также ужесточили контроль за качеством продукции из-за участившихся случаев контрафакта.

Экспорт китайских СИЗ в Евросоюз вырос с $3,9 млрд. в 2019-м, до $23,4 млрд. в 2020 году. А экспорт СИЗ в США вырос с $7,1 млрд. до $24,6 млрд.

## XIAOMI ЕВРОПАДА SAMSUNG ВА APPLEДАН ЎЗИБ КЕТДИ



**Strategy Analytics ҳисоботига кўра, 2021 йилнинг 2-чорагида Xiaomi компанияси Европа смартфон бозори етакчисига айланди. Ҳатто Samsung ва Apple каби гигантлар ҳам ортда қолдирилди.**

Компания уч ой мобайнида бу қитъа мамлакатларида 12,7 миллионта смартфон сотиб, бозорнинг 25,3 фоиз қисмини эгаллади. Компания ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Европадаги ўз смартфон савдоси ҳажмини 67,1 фоизга оширди.

Apple гарчи апрелдан то июнгача ўтган йилнинг шу даврига қараганда 15,7 фоизга кўп айфон сотган бўлса-да, учинчи ўринда қолди.

Бироқ Xiaomi биринчи ўринга чиқиб олганининг асосий сабаби – ушбу чоракда Samsung смартфон савдоларининг пасайиб кетганлигидир. Жанубий Корея корпорацияси ҳисобот даврида атиги 12 миллионта смартфон сотган, бу эса ўтган йилниг 2-чорагидаги ўз кўрсаткичидан 7 фоизга паст. Мазкур натижа билан у Европа бозорининг 24 фоизини ҳамда умумий рейтингда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

## TESLA АВТОПИЛОТИ РУЛДА УХЛАБ ҚОЛГАН МАСТ ҲАЙДОВЧИНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

**Tesla компаниясининг автопилоти норвегиялик маст ҳайдовчининг ҳаётини сақлаб қолди. Бу ҳақда Gizmochina ёзмоқда.**

Машинани бошқараётган эркак спиртли ичимлик таъсирида маст бўлишдан ташқари, рулда ухлаб ҳам қолганди.

Бу пайтда Tesla Model S йўлда ҳаракатланиб кетаётганди. Нимадир нотўғрилигини сезган электромобил аввалига ўз тезлигини пасайтирган, кейин эса йўл четига бориб тўхтаган. Шунда ҳам ҳайдовчи ўзига келмаган, ғирт маст ва уйқуда эди.

## SAMSUNG ЯНГИ КОМПАНИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ЖУДА КАТТА МАБЛАҒ АЖРАТДИ




**Samsung компанияси ўзининг чорак натижаларини эълон қилди. 2021 йилнинг иккинчи чорагидаги фойда уч йил ичидаги энг юқори кўрсаткич бўлди, чунки ушбу чоракда компания даромаднинг 20 фоизга ўсиши ва умумий фойданинг 54 фоизга ўсишини қайд этди.**

Компания келажакдаги ўсиш суръатини янада яхшилаш учун ўзининг асосий ваколатларини такомиллаштиришга катта маблағ киритмоқда. 114 миллиард доллардан зиёд захирага эга Samsung ҳозирда бирор бир компанияни сотиб олиш ниятида.

Бозор таҳлилчилари Samsung автомобилларнинг яримўтказгичи билан шуғулланадиган компанияни сотиб олиши мумкин, дейишмоқда. Мақсадлар орасида эса NXP, Texas Instruments ҳамда Microchip Technologies компанияси ҳам бор эканлиги айтилган эди.

## КЎПЧИЛИК ЁҚТИРАДИГАН АНДРОИД-СМАРТФОНЛАР АНИҚЛАНДИ

**AnTuTu бенчмарки навбатдаги рейтингини тақдим этди. Бу сафар ўз эгаларига ҳаммадан кўп ёқадиган андроид-смартфонлар рўйхати тузилди.**

Рейтингда 2021 йил июл ойи маълумотлари ҳисобга олинди. Энг юқори балларни ўтган йилги флагманлар — Honor 30 Pro+ ва Samsung Galaxy Note20 Ultra 5G қўлга киритди.

Учинчи ўринда — кейинроқ чиққан Oppo Reno6 Pro 5G.

AnTuTu экспертлари рейтингда Oppo Reno6 Pro 5G пайдо бўлишини унинг аёллар учун "идеал" қурилма экани билан изоҳлашди.

Булардан ташқари, Oppo K9 5G, Huawei Mate 30 5G, Meizu 18 Pro, Samsung Galaxy S21 Ultra 5G, Huawei P40 Pro+, Meizu 18 ҳамда Nubia Red Magic 6 Pro смартфонларидан ҳам эгаларининг кўнгли тўқ.

## IPHONE 12 БИЛАН СИФАТЛИ СУРАТ ТУШИРИШДА БЕЛЛАША ОЛАДИГАН СМАРТФОН ТОПИЛДИ

**DxOMark экспертлари Asus Zenfone 8 флагманини синовдан ўтказишди. Бу смартфон чиққанидаёқ "темир" қисмлари ва ихчамлиги билан эътиборга тушганди.**

Бироқ энди, синаб билишдики, "зенфон" фотосуратлар олиш бобида ҳам чакки эмас. Унча-мунчасидан зўр, ҳатто iPhone 12 билан баҳслаша олади. Мутахассислар Asus Zenfone 8 нинг фотосуратлар олиш имкониятини 120 балл билан баҳолашди, бу iPhone 12 (122 балл) билан қарийб баравар, Google Pixel 5 (120 балл) билан теппа-тенг ва қизиқроқ.

Asus Zenfone 8 смартфонида асосий қўшкамера ўрнатилган. Бош модул — Sony IMX 686 (64 мегапиксел). Уни кенг бурчакли оптикага эга 12 мегапикселли Sony IMX 363 тўлдиради.

Камеранинг ижобий жиҳатлари сифатида яхши баланс, ранглар узатилиши ва оқ ранг баланси саналган. Бироқ аксарият суратларда экспозиция барқарор эмаслиги, ёруғлик етарли бўлмаган шароитларда автофокуснинг имиллаб ишлаши каби минуслар ҳам йўқ эмас.

## "ҲАМЁНБОП, САЛКАМ ФЛАГМАН": MOTOROLA 108-МЕГАПИКСЕЛЛИ СМАРТФОНЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ



**Мобил телефонлар бозоридаги энг эски бренд — Motorola унча кутилмаган ва кўзга ташланмаган тақдимотини ўтказди. Ушбу бренд остида "унча қимматмас, бироқ салкам флагман" тоифасига кирувчи смартфонлар таништирилди.**

Edge 20 номи остидаги ушбу смартфонлар учта моделдан иборат: Pro, оддий ва Lite. Барчаси 5G ни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг барчасида 108 мегапикселли камералар ўрнатилган — ҳамёнбоп смартфонлар учун анчайин юқори сакраш.

Pro моделининг процессори кучлироқ, оператив хотираси каттароқ, камераси учталик, уларнинг биттаси беш карралик зумга эга, тузилиши бўйича — перископ, бунақаси Motorola тарихида бўлмаган.

Янгиланиш частотаси 144 герцлик дисплейи ўйинларга мўлжалланган мониторлар биллан беллаша олади. Қолаверса, Pro талқини 8K ўлчамли видеолар олишга мўлжалланган. Оддий ва Lite моделлари, номи ҳам айтиб турибди, нисбатан оддийроқ ва арзонроқ.

Смартфонлар учун 400–800 доллар атрофида нарх чегараси белгиланган.

# Халқаро ҳаёт

## ЖАҲОНДА КОРОНАВИРУС ЮҚТИРИШ ҲОЛАТЛАРИ СОНИ 200 МИЛЛИОНДАН ОШДИ



**Дунёда коронавирус пандемияси бошидан бери қайд қилинган касалланиш ҳолатлари сони 200 миллиондан ошди. 4,3 млн. киши вирус қурбонига айланди. Бу ҳақда Жонс Ҳопкинс университети хабар берди.**

Айни вақтда касалланиш ҳолатлари бўйича етакчи давлатлар: АҚШ — 35,3 млн; Ҳиндистон — 31,8 млн; Бразилия — 20 млн; Россия — 6,3 млн; Франция — 6,3 млн.

Коронавирусдан энг кўп ўлим ҳолатлари АҚШ (615 мингта), Бразилия (558 мингта) ва Ҳиндистонда (426 мингта) қайд этилган.

## РОССИЯ ВА ХИТОЙНИНГ КОСМОСДАГИ ФАОЛИЯТИ ХАВФЛИ ДЕЯ БАҲОЛАНДИ

**Буюк Британиянинг авиация бош маршали Майкл Уигстон Россия ва Хитой томонидан амалга оширилаётган космик фаолиятни "хавфли" деб ҳисоблади. Бу ҳақда у The Daily Telegraph нашрига берган интервюсида айтиб ўтди.**

Уигстоннинг сўзларига кўра, Москва ва Пекин мунтазам равишда сунъий йўлдошларни яқин атрофдаги орбиталарда жойлаштириб, разведка маълумотларини йиғмоқдалар.

Хитой сунъий йўлдошга қарши технологияларни, жумладан, "лазерли тўсувчи қурол" ва "радиотўлқинга тўсқинлик қилиш" механизмларини ишлаб чиқмоқда.

Россия сунъий йўлдошлари, ўз навбатида, "қурол хусусиятларига эга" ва хавфсизликка таҳдид солади, дея қўшимча қилди маршал.

Бундан ташқари, ҳарбийлар келажакда космосда низолар келиб чиқиш хавфи ҳақида огоҳлантирган.

## МАРШАЛ АБДУЛ-РАШИД ДЎСТУМ АФҒОНИСТОНГА ҚАЙТДИ



Афғонистон ўзбеклар жамияти етакчиси, маршал Абдул-Рашид Дўстум Туркияда даволаниш муолажасини ўтаб ватанига қайтди. Бу ҳақда Tolo News хабар берди.

Дўстум июн ойининг иккинчи ярмида Афғонистонни тарк этган эди. Баъзи оммавий ахборот воситалари турли вилоятларда Толибон ҳаракатининг кенг кўламли ҳужуми авж олган пайтда унинг тўсатдан кетишидан ҳайратда қолдилар. Хусусан, ҳужумлар ўзбеклар яшайдиган шимолий вилоятларда ҳам бошланганди.

Шу билан бирга, маршалнинг расмий вакиллари Дўстум расмий ташриф билан Туркияга боргани ва даволангани, унинг қандли диабет билан жиддий муаммолари борлиги маълум қилинди.

## "АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ТАРИХИ ВА МЕРОСИ" ЖАМОАТ ФОНДИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги 205-ф-сон фармойишига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисоб рақамига 2021 йил 29 июлда "Ўзбектелеком" АК томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди.

Мазкур маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда "Алоқа тарихи музейи"нинг 2021 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

---

**ЭЪЛОН!**

Якка тартибдаги тадбиркор (гувоҳнома рақами - 1191695) TASHPULATOV ROVSHAN RUSTAMJONOVICHга тегишли муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирликнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи Шерзод Ахматовга падари бузруквори

**Мирзажаҳон отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирликнинг кадрлар бўлими ходими Элбек Ачиловга падари бузруквори

**Бекмамат отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Xabar" газетаси таҳририяти жамоаси масъул котиб Усмонжон Йўлдошевга волидаи муҳтарамаси

**Махфират онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

КАСБИМ – ФАХРИМ!



**Банк соҳаси кенг тармоқли бўлиб, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, қулай ва осон хизматлардан фойдаланиш каби янгидан янги имкониятларни тақдим этувчи фаолият туридир. Бу йўналишда қанчадан-қанча мутахассислар куну тун меҳнат қилишади. Шундай жонкуяр ходимлардан бири Нурбек Икромовдир.**

# МЕҲНАТДАН ҲУРМАТ ТОПГАНЛАР

1986 йил 16 сентябрда Қарши шаҳрининг Мағзон маҳалласида таваллуд топган Нурбек Икромов бошланғич таълимни 25-сонли мактабда олди. Кейинроқ ўқишини математика фани чуқурлаштириб ўргатиладиган 39-ихтисослаштирилган мактабда давом эттирди. Тенгдошлари орасида билимга чанқоқ, фанларни аъло баҳога ўзлаштирувчи Нурбек келгусида етук мутахассис бўлиб етишиш истагида бўлди. Интилганга толъе ёр деганларидек мактабни тамомлаб, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтига ўқишга кирди. Талабалик йиллари ҳам бир зумда ўтиб кетди. 2007 йилда ўқишни муваффақиятли тамомлаб, иқтисод йўналиши класификациясига эга бўлди.

Ўқишни битиргач эса АТ "Алоқабанк" Қашқадарё филиалига ишга келди. Фаолиятини кредит бўлимидан бошлади. Ундаги интилиш, қобилиятни кўрган раҳбарият кўп ўтмай бўлим етакчи мутахассислигига ўтказишди. Тажрибаси ортгач бўлим бош мутахассиси этиб тайинланди. Бир неча йил АТ "Алоқабанк" Қашқадарё филиали аҳоли тадбиркорлиги ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш шўъбаси бошлиғи, 2018 йилдан буён жисмоний шахсларни кредитлаш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Фаолияти давомида Нурбек Абдиев, Шариф Расулов, Мажид Отамуродов, Бобомурод Одилов сингари ёш мутахассисларга устозлик қилди, банк-молия соҳасидаги малака ва кўникмаларини шакллантиришда уларга йўл-йўриқ кўрсатди.

Турмуш ўртоғи Саодат Бекмуродова билан бирга икки нафар фарзандни тарбиялаб, камолотга етаклаётган шижоатли мутахассис Нурбек Икромов кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли орасида тадбиркорликни кенг тарғиб этиш, уларни молиялаштириш, банк муассасаларидан имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашиш ишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Айниқса, "Ҳар бир оила тадбиркор!" шиори остида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этмоқда.

– "Алоқабанк" – тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва мададкори! Бу шиор мағзини кенг жамоатчиликка етказиш ва амалда қўллаш борасида тизимли ишлар олиб боряпмиз, – дейди Нурбек Икромов. – Қисқа муддат ичида тадбиркор бўлиб, бизнес соҳасида муваффақиятларга эришаётганларга кўмак бериб, қўллаб-қувватлаётганимиздан беҳад шодман. "Алоқабанк" жорий йилда ҳам ҳар томонлама ишончли молиявий ҳамкорликни таклиф этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Оддий аҳолини тадбиркор қилиш" ғоясини амалиётга изчил татбиқ этиш мақсадида банкимиз томонидан турли йўналишлар бўйича имтиёзли кредитлар ажратиляпти.

АТ "Алоқабанк" томонидан кўрсатилаётган қулай хизматлар, имтиёзли кредитлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўяётган тадбиркорларга оиласи фаровонлигини ошириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётганлар орасида Нурбек Икромов ҳам иштирок этиб, ибрат намунасини кўрсатмоқда.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**
**"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири**

## ЎҚУВ КУРСИ ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ



**"Ўзбектелеком" АКнинг "ТваПРМ" филиали томонидан яна бир ўқув курси ўтказилди.**

Мазкур ўқув курси "Ўзбектелеком" АК ҳамда CISCO Networking Academy ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда компания ва унинг филиалларида фаолият юритаётган ходимлар "Маълумотлар узатиш тармоғини коммутатор ва маршрутизаторлар асосида қуриш (CISCO CCNA V7 1,2,3-Semestr)" бўйича билим ва малакаларини оширдилар.

Хусусан, мазкур ўқув курсида ходимлар телекоммуникация қурилмалари ўртасида LAN ва VLAN тармоқларини қуриш ва кенгайтириш, манзиллаштириш ҳамда тармоқлар ўртасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш технологияларини жорий этилиши каби билимлар ўзлаштирилди.

Ўқув курси якуни бўйича ходимлар мувофиқлик сертификатлари билан тақдирландилар.

**У.ГАНИЕВ,**
**"ТваПРМ" филиали ходими**

# EANTICOR.UZ коррупция ҳақида хабардор қилади

**Интернет тармоғидаги мазкур eanticor.uz дастури тест тартибида ишга туширилган бўлиб, унда корррупция ҳолатлари ҳақидаги мурожаатларни тўртта шаклда, яъни:**

- *"Коррупцияга дуч келдим ва пора беришга мажбур бўлдим";*
- *"Коррупцияга дуч келдим ва пора бермадим";*
- *"Пора билан боғлиқ бўлмаган коррупцияга дуч келдим";*
- *"Ҳалол ишлайдиган давлат хизматчисини учратдим" каби мавзуларда юбориш мумкин.*

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги eanticor.uz орқали берилаётган коррупция ҳолатлари ҳақидаги мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиши билан бир қаторда берилган мурожаатлар асосида соҳалардаги коррупцион ҳолатларни таҳлил қилади ва ўтказиладиган таҳлил натижаларига кўра коррупцияга имкон яратаётган омилларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Жумладан, коррупцияга йўл очиб бераётган нормаларни ўзгартириш, бекор қилиш ёки қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ва уларни амалга ошириш чоралари кўрилади.

Шунингдек, eanticor.uz дастурий таъминоти орқали фуқароларнинг коррупцияга оид мурожаатлари асосида вазирлик, идоралар, вилоят ва туманларнинг статистик рейтингини кузатиб бориш имконияти яратилади.

Бунда, тегишли идоралар мутасаддилари рейтингдан тегишли хулосаларни чиқарган ҳолда коррупцияга сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда мазкур тизимда янада қулайликлар яратиш мақсадида дастур такомиллаштириб борилмоқда.

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
Таҳрир Ҳайъати:
Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоси келишилган нархда.
МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муҳиддин СОЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа уйи босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

V 4788 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. **Адади:** 5534

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00
Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| (74) 226-47-80 | (99)854-7305 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | (79) 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (99)508-30-52 | 234-18-59 | (97) 211-65-05 | (73) 244-18-05 | (93)931-08-99 |